



Убай ибн Каъб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Шамолни сўкманглар! Агар ёқимсиз (шамолни) кўрсанглар: «Парвардигоро! Биз Сендан ушбу шамолнинг яхшилигини, ундаги нарсанинг яхшилигини ва унга буюрилган ишнинг яхшилигини сўраймиз, Сендан ушбу шамолнинг ёмонлигидан, ундаги нарсанинг ёмонлигидан ва унга буюрилган ишнинг ёмонлигидан паноҳ тилаймиз», дengлар» (имом Термизий ривояти).

«**История** **Сибири** **и** **Дальнего** **Востока**» : **Издательство** **Сибирь** **и** **Дальний** **Восток** **—** **Новосибирск** **—** **1990** **г.** **(****издание** **третье****)** «**История** **Сибири** **и** **Дальнего** **Востока**» **—** **Сибирь** **и** **Дальний** **Восток** **—** **Новосибирск** **—** **1990** **г.** **(****издание** **третье****)**.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Шамолни сўкманглар, чунки у раҳмат ва азоб олиб келади. Балки, Аллоҳдан унинг яхшилигини сўранглар ва ёмонлигидан паноҳ тиланглар» (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Шарх:



Ислом Нури

Шамол ва бўронлар Аллоҳнинг махлукотидан бўлиб, У Ўз истагига кўра улар билан ё раҳмат ё азоб юборади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шамолни сўкишдан қайтарганлар, чунки у ўзига буюрилган ишни қиласди. У зот Аллоҳдан унинг яхшилигини сўрашни ва ёмонлигидан паноҳ тилашни буюрганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Шамолни сўкиш мумкин эмас;
2. Чунки у ўзига буюрилган ишни қиласди, унда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бор;
3. Шамол эсган пайт Аллоҳдан унинг яхшилигини сўраш ва ёмонлигидан паноҳ тилаш лозим.